

ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ АЙЁМИ МУБОРАК!

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

• 2002 йил 8 март, жума • №19 (11.407)

• Эркин нарҳда сотилади

Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги

Аввало, сиз муҳтарама онахонларимиз, кадрли опа-сингилларимиз, мунис қизларимиз – барчангизни севимли байрамингиз 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ҳеч шубҳасиз, ушбу гўзаллик ва нафосат айёми юртимизда нишонланаётган бошқа нуфузли байрам ва саналар орасида алоҳида ўрин тутаяди.

Бу байрамни айнан мана шу кунларда, яъни баҳор фаслида, янгиликлар, яшариш, бутун табиат, бутун борлиқнинг уйғониш палласида нишонлашимиз ҳам ўзига хос, теран маъно-мазмунга эга, деб ўйлайман.

Бу маъно шундан иборатки, табиат мўъжизаси бўлган, ўзининг гўзаллиги, меҳр-муҳаббати ва саховати билан ҳаётимизга файзу тароват бахш этадиган аёл зоти баҳорга, мана шу бетакрор фаслга жуда-жуда ўхшаб кетади.

Шунинг учун ҳам одам ўзининг мушфиқ онаси, садоқатли ёри, азиз опа-сингилларини эслаганда, улар билан дийдор кўришиб, мулоқот қилганда дилида қандайдир меҳр тафтини сезади.

Хонадонларимиз чироғи, ҳаёт давомийлигининг тимсоли бўлган аёлларга юксак ҳурмат-эҳтиромимизнинг яна бир сабаби шундаки, инсон юрагига энг эзгу туйғулар, аввало, она сути, она алласи билан киради. Одамзот она меҳри ва тарбияси билан Ватани ва халқини севадиган фидойи инсон бўлиб вояга етади.

Бу табиатнинг азалий ва ўзгармас қонунияти бўлиб, уни ҳеч ким, ҳеч қачон инкор этолмайди.

Дунёда жамият ёки давлатнинг нуфузини, маданий даражасини белгилайдиган мезонлар кўп. Лекин ҳар қандай замонда, ҳар қандай жамиятда миллатнинг, халқнинг маънавий камолотини ўзида яққол намойён этадиган бир ўлчов, таъбир жоиз бўлса, бир кўзгу бор. Бу – ана шу давлат, ана шу жамиятнинг аёлларга, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, ҳаётини манфаатларини таъминлашга бўлган муносабатидир.

Тарих сабоғи шундан далолат берадики, аёлларни улуғлаган, уларни бошига кўтарган халқ ҳеч қачон кам бўлмайди, ўзининг эзгу мақсадларига албатта эришади.

Мен шу ўринда бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти, куч-қудрати тобора

мустаҳкамланиб, турмуш даражаси юксалиб бориши билан сиз, муҳтарама аёлларимизга бўлган ҳурмат-эътиборнинг янада кучайиши, давлатимиз томонидан берилаётган имтиёزلарнинг янада кенгайиши, сизларнинг ҳаётингизни моддий ва маънавий жиҳатдан бойитиш борасида янада кўпроқ имкониятлар пайдо бўлиши шубҳасиз.

Бир сўз билан айтганда, биз – шу юрт ўғлонлари бу имкониятларни рўйбга чиқариш, аёлларимизнинг кундалиқ ҳаётимиздаги, оила ва жамиятдаги ўрни ва нуфузини янада ошириш, уларнинг ўз истеъдоди, билим ва салоҳиятини тўла намойён этиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш йўлида бор куч ва ғайратимизни аямаймиз.

Мана шундай муносабат, мана шундай ёндашув бизнинг бугун олиб бораётган ва эртанги кунда давом этадиган ишларимизнинг асосий маъно-мазмунини белгилаб беради.

Чунки, юртимиз аёллари қандай эркин, мазмунли ва бахтли ҳаёт кечирса, ҳеч шубҳа йўқки, уларнинг меҳнати ва заҳмати, меҳри ва муҳаббатидан бахраманд бўлиб ўсаётган янги авлод ҳам ана шундай бахтли, эркин ва мазмунли ҳаётга эришишини барчамиз яхши биламиз.

Ҳозирги вақтда олдимизда турган энг муҳим ва долзарб вазифалардан бири бўлмиш "Соғлом она – соғлом фарзанд" деган олижаноб гоёни амалга оширишда ҳам биз биринчи навбатда сиз, қадрдон опа-сингилларимизга, сизларнинг замонавий дунёқарашингиз, ҳаётини тажрибангизга таянамиз.

Мана шу ҳаяжонли ва унутилмас айёмда сиз, азизларни гўзал байрамингиз билан яна бир бор табриқлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик тилайман.

Дилингизда неки эзгу орзу-ният бўлса, барчаси рўйбга чиқсин.

Фарзандларингизнинг, неварачевараларингизнинг камолини, бахтини кўриш насиб этсин.

Яратганнинг ўзи сизларни доимо панохида асрасин.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Америка Қўшма Штатларига расмий ташрифи тўғрисида

Жорий йилнинг 11-14 март кунлари Америка Қўшма Штатлари Президенти Жорж Бушнинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШга расмий ташриф буюради.

Ташриф давомида олий даражадаги музокаралар ҳамда вазирлик ва идоралар, АҚШ Конгресси Сенати ва Вакиллар палатаси аъзолари, ишбилармон доиралар ва жамоатчилик вакиллари билан учрашувлар ўтказиш режалаштирилган. Бир қатор муҳим давлатлараро ва идоралараро ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон томони АҚШ билан нафақат хавфсизликни таъминлаш ва халқаро терроризм, наркотрафик ҳамда бошқа хавфларга қарши кураш масалаларида, балки инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, сиёсий ва иқтисодий ислохотлар соҳаларида ҳам ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтиришга катта аҳамият бермоқда. Бу соҳаларнинг ҳар бири мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларнинг муҳим таркибий қисмига айланиши лозим.



Тошкент вилояти хотин-қизларининг 8-март байрамига бағишланган тадбирда бу сўзлар кўп бора тилга олинди

Аёл қалби бамисоли кўёш тафтидек иссиқ, тўлин ой чехрасидек ёруғ, сокин ва мулойим, уммон тўлқинларидек сержило, жўшқин, баҳор гулларидек ёқимли, жозибали. Оиланинг барқарорлиги, ҳаётнинг бардавомлиги, мустақил Ватан кўркамлиги ва қудрати аёллар ҳиммати, меҳри, садоқати ва меҳнати билан.

Олмалиқ кимёгарлари, Бекобод цементчилари, Чирчиқ машинасозлари, Ангрен кончилари, пахтакорлар ва ғаллакорлар, боғбонлар ва сабзавоткорлар, чорвадорлар ва паррандабоқарлар, ишбилармон ва тадбиркор аёллар вакиллари байрам арафасида пойтахтнинг муҳташам залига тўпланишди. Бирлари ой, бирла-

ри кунга монанд аёллар гул-гул очилиб давраларни тўлдиришди.

Биз вилоятимиз салоҳиятини кўтаришга салмоқли ҳисса қўшаётган меҳнатсевар аёлларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Бўкалик Робия Каримова, оққўрғонлик Муҳаддам Шайзоқова, қатортоллик Муаттар Ёқубжонова, паркентлик Севара Раҳимова каби ўнлаб-юзлаб аёлларимиз ислохотларни жадаллаштириш, баркамол авлодни тарбиялаш, тадбиркорликни ривожлантириш борасида ғайратташаббус кўрсатмоқдалар. Бугунги кунда 4 аёл Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, 7

(Давоми 4-бетда).

МЕҲРИМИЗНИНГ МИРОБИ ОНА

«Она осмон, унинг оғирлиги сенинг елканга тушмайди», дейди улуғлар. Дарҳақиқат, оналари қошларида жилмайиб турган фарзандлар бахтлилар ичра бахтлидир.

Фарзандларини бағрига босиб шодон турган оналар эса, баҳорнинг кўёшига ўхшайди. Зеро, кўёш ерда одам танламаганидек, она зоти ўғил-қизи қандай бўлишидан қатъий назар, меҳр кўёшини дариг тутмайди.

Она... шу қадар улуғки, шоирлари-

миз бежиз «она таърифига сўз ҳам етмайди», дея ўзларининг ожизлигини тан олишмаган. Чунки, она, аёл зотини қанча таъриф-тавсиф этсак кам. Уйғонаётган табиатда кўзларга кўрк, дилга шодлик, руҳга ором бе-

(Давоми 4-бетда).

Яшилликка бурканган корхона

Ангрэнда "Саноатқалинқоғозсавдо" деган корхона бор. Бир пайтлар давлатга қарашли бўлган корхонанинг мулк шакли ўзгариб, ҳиссадорлик жамиятига айланган, унинг бошқарув шаклигина эмас, ички ва ташқи қиёфаси ҳам бутунлай ўзгарди.

Корхонанинг атроф-муҳитга эътибори мақтаганларича бор. Бу ерда қишин-ёзин яшиллик ҳукмрон. Гул ва дарахтлар корхона кўркіга кўрк қўшаётгандек. Узоқдан қозонхона мўрилари кўришиб турадиган корхона маъмурий биносининг олди ҳовлиси пойтахтимиз хиёбонларидан қолишмайди.

Бир йил олдин "Экосан" жамғармаси шаҳар бўлими раҳбари Абдулла Холдовов корхонани тилидан бол томиб ёдга олгани, уни бошқариб келаётган Шевкет Османовни атроф-муҳитнинг чинакам жонкуяри деганида, рост, унчалик ишонқирамаган эдим. Бу ердаги ишларни кўриб, шубҳаларим ўринсиз эканлигини англадим. Раҳбарнинг саъй-ҳаракати туфайли қисқа вақт мобайнида корхонанинг 18 гектар майдони санитария талабига мувофиқ тозаланди, 25 минг туп дарахт кўчати ва буталар ўтказилди. Шаҳардаги экологик вазиятни соғломлаштириш мақсадида Тошкентдан кўлгана олим ва мутахассислар ёрдамида тадқиқотлар уюштирилди. Натижада ҳавони ифлосланттирувчи манбалар аниқланиб, уларни тугатиш чоралари кўрилди.

Ангрэнлик қоғоз саноати захматкашлари ўтган йили маҳсулот тайёрлаш борасида салкам бир ярим баравар ўсишга эришди. Жорий йилнинг январь ойида бу кўрсаткич яна ошди. Жамоа ўзининг беш юздан ортиқроқ миқозларига бир ой мобайнида салкам бир миллиард сўмлик маҳсулот

етказиб берди. Ҳар қандай харидорнинг дидига мос тарзда ишланган гулдор хилма-хил картон қутиларни республикамиздаги энгил, кимё, озиқ-овқат ва машинасозлик саноатининг юзлаб корхоналари, хорижлик истеъмолчилар ҳам сотиб ола бошладди. Бултур кўшни республикалар ҳамда Эронга 250 минг АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Корхона Ўрта Осиёга ёғочдан ясалган идишлар ва ёғоч келтиришни қисқартириш мақсадида картон идиш ишлаб чиқаришга мўлжалланган дастлабки маҳсулотини бундан ўн уч йил аввал берган эди. Ўтган давр мобайнида корхона республикани маҳсулот билан таъминловчи оддий бир заводдан жаҳон бозорида мустақам мавқе эгаллайдиган улкан саноат компаниясигача бўлган мураккаб йўлни босиб ўтди. Бозор муносабатлари шароитида муваффақиятли ривожлангани учун корхона "Факел Бирмингема" халқаро молия ва иқтисодий компания институтининг мукофотига сазовор бўлган эди.

"Саноатқалинқоғозсавдо" мамлакатимизда қалинқоғоз, гофроланган қалин қоғоз, гофрокути, толалли плита, муқова қоғози ишлаб чиқаришга ихтисослашган етакчи корхоналардан. Бундай ютуқлар, энг аввало, она-табиат, атроф-муҳитга яхши муносабат, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор натижаси бўлса ажаб эмас.

Н. ДУШАЕВ,
ЎЗА мухбири.



Кўча ва хиёбонларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, янги боғлар барпо этиш ҳамда атроф-муҳит

Наврўз ниҳоллари

Тошкент вилояти шаҳар ва қишлоқларида "Наврўз, экология ва саломатлик" шиори остида кенг кўламли тадбирлар бошланди.

тозаллигини сақлаш мақсадида ўтказилаётган анъанавий экология ва саломатлик кунларида корхона ва ташкилотлар, маҳаллалар ва ўқув муассасалари иштирок этмоқда.

– Баҳорнинг ҳозирги илик кунларидан фойдаланиб, боғ ва хиёбонларга, йўл бўйларига бир неча минг туп мажнунтол, терак ва турли гул кўчатлари ўтказдик, – дейди Олмалик шаҳар ҳокимининг ўринбосари Илҳомжон Зокиров. – Умуман, мавсумда 25 минг туп

мева ва манзарали дарахт ниҳоллари, 2,5 минг туп гул экишни режалаштирганмиз. Маҳаллалар ва меҳнат жамоалари ўз худудларини обод ва кўркем қилишга астойдил бел боғлашган. Бу борада Олмалик кон-металлургия комбинати, "Аммофос" ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Сув-оқава", "Иссиқлик манбаи" корхоналари, шаҳар худудий тиббий бирлашмасида амалга оширилаётган ишлар эътиборга сазовор.

ЎЗА.

ҲАР ШАНБА ҲАШАР

Янгийўлликлар Наврўз арафасида янги боғ-роғлар яратиш, чор-атрофни саранжом-саришта қилиш, дов-дарахтларга шакл бериш, мевали ва манзарали дарахт кўчатларини экиш каби хайрли ишларни бошлаб юбордилар.

Шаҳарда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлигини ўтказиш режаси ишлаб чиқилди. Шанба кунлари шаҳар майдонларида, истироҳат ва дам олиш боғларида, маҳаллаларда ишлар давом этмоқда. Маҳаллаларнинг корхона ва ташкилотларга бирктиб кўйилганлиги ҳам айни муддао бўлди.

Бу ерда, айниқса, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари кўплаб экилмоқда. Янги гулзорлар барпо этиляпти, мавжуд барча дов-дарахтлар оқланиб, ариқлар атрофлари ораста қилинмоқда.

Зухра ҲАЙДАРОВА.

«АТИРГУЛ» ЎЗ ЭГАЛАРИДА

Республика Миллий матбуот марказида аёл журналистлар ўртасида «Атиргул» танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

– Баҳор гўзаллигининг ибтидосидир, – дейди «Аёл журналистлар» клуби бошлиғи Мўътабар Каримова. – Янги-ланаётган табиат, куртак тугиб, барг ёзаётган дов-дарахт, заминга улкан нафосат сочаётган гиёҳу-чечаклар буни тасдиқлайди. Ҳар галги баҳор юртимизга гўзал байрамларни тортиқ этади. «Атиргул» танлови ғолибларини айнан баҳор арафасида эълон қилинганлигида ҳам рамзийлик бор. Яратувчилик баҳорга қиёс аёлларимиз ижодини баҳорий руҳ ва шижоат асло тарқ этмасин.

Анжуманда сўзга чиққан Оммавий ахборот воситаларини демократиялаш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамраислари Хуршид Дўстмуҳаммад ва Аҳмад Аъзам ҳамда бошқалар ижодкор-аёлларни яқинлашиб келаётган баҳор байрами – 8-март билан кутладилар.

Маросимда «Атиргул» танлови ғолиблари тақдирланди. Ғолиблар орасида Холида Ахророва, Санъат Маҳмудова, Кутби Носирова каби устоз журналистлар ҳам бор.

«Туркистон-пресс».

Тадбир

МАҲАЛЛА ОҚСОҚОЛЛАРИ ТАНЛОВИ

Республика "Маънавият ва маърифат" маркази жорий йил мамлакатимизда Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилиниши муносабати билан яна бир хайрли ишга қўл урди.

Ички ишлар вазирлиги, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари, Ёзувчилар уюшмаси, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда "Миллий қадриятлар ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тарғиб қилишда энг фаол қатнашган зиёли маҳалла оқсоқоли" кўрик-танловини ўтказишга қарор қилди.

"Нуроний" жамғармасида ана шу кўрик-танловни ўтказиш мақсадида кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда танлов низоми тасдиқланди.

Иштирокда мазкур танлов халқимизнинг миллий ва маънавий қадриятларини ёзозлаш, ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, диний экстремизм таъсирини тушиб қолган шахслар билан профилактик ишларни яхшилаш, ёшларнинг Конституциямизни ўрганишда, ҳуқуқий савиясини оширишда қарияларимизнинг ҳаётий тажрибаси ва билимидан кенг фойдаланиш мақсадида ўтказилаётгани таъкидланди.

Олим НОРБЕКОВ,
ЎЗА мухбири.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали Сиз азизларни 2002 йил 10, 17 ва 24 апрель кунлари соат 10.00да ўтказиладиган навбатдаги аукцион ва биржа савдоларига таклиф этади

1. Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани марказий калсалхонасига қарашли Юқоричирчиқ тумани, Янгибозор кўрғонида жойлашган эски «Тез тиббий ёрдам биноси» объекти.

Бошланғич баҳоси – 689 400 сўм (ер майдони бу баҳога кирмайди).

2. Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар ҳокимиятига қарашли Бекобод шаҳар 12-даҳа, 53-уйда жойлашган майдони 454,4 кв. м. бўлган дўкон биноси.

Бошланғич баҳоси – 6 440 700 сўм (ер майдони бу баҳога кирмайди).

3. Тошкент вилояти «Олмалик тоғ-металлургия комбинати» ОАЖга қарашли бўлган Оҳангарон тумани Шамат қишлоғида жойлашган «Сут-товар фермаси» объекти.

Бошланғич баҳоси – 18 252 840 сўм (ер майдони бу баҳога кирмайди).

Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига қарашли бўлган Авангард қишлоғида жойлашган ХАТП-30 корхонасининг бино ва иншоотлари.

Бошланғич баҳоси – 3 020 760 сўм (ер майдони бу баҳога кирмайди).

Эслатма: сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари, яъни давлат божи ёки Давлат ордени олиш учун, мулк харид қийматининг бир фоизи миқдоридати маблағ тўланади.

Шунингдек, аввалги савдоларда кўйилган ва сотилмай қолган, беҳор қилинган ер майдонлари, автотранспорт воситалари ва бошқа кўчмас мулк объектлари ушбу савдоларда сотилиши мумкин. Биржа савдолари ҳар ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари ўтказилади.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 17-уй, вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти. **Тел.:** 133-28-52, 133-77-18, факс: 133-43-73.

КИЧИК ЛОЙИХАЛАРНИНГ КАТТА ЁРДАМИ

Тошкентда Япония ҳукумати томонидан кичик ҳажмдаги лойиҳаларга беғараз ёрдам дастури доирасида ажратилган навбатдаги грант-шартномаларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Умумий ҳажми 225 минг АҚШ долларидан кўпроқ бўлган мазкур грант-шартномалар Тошкент шаҳри ва Андижон вилоятида жойлашган қатор шифона ҳамда мактабларни замонавий техник ускуналар ва ўқув анжомлари билан жиҳозлашни кўзда тутди.

(ЎЗА).

520 МИЛЛИОН СЎМЛИКДАН ОРТИҚ

«Ўзбекистон металлургия комбинати» жамоаси ишлаб чиқариш суръатини мунтазам ошириб бормоқда.

Утган йили давомида бу кўрсаткич ўн фоиздан ортиқ кўпайди. Айни вақтда истеъмол бозорига маҳсулот етказиб бериш бўйича белгиланган марралар ҳам муваффақиятли эгалланмоқда.

Шу даврда истеъмолчиларга етказиб берилган буюмлар 520 миллион сўмликдан ортиқроқни ташкил этди. Улар орасида турли металлдан ясалган анжомлар, шиша банкчалари ва бошқа шу каби харидорбоп маҳсулотлар бор. Металлургия бу йил истеъмол бозорини тўлдиришга янада катта ҳисса қўшишга интилоқдалар.

Ўз мухбиримиз.

Одатда сабзавоткорми, ғаллакорми, пахтакорми, эришилган ютуқларнинг асосий омиллари ҳақида гап кетганда, табиийки, уларнинг тажрибалари яхши эканлиги биринчи ғалда тилга олинади.

Тошкент тумани кишлок ва сув ҳўжалиги бошқармаси бош ҳосилоти Комил Тиллаев гапни қисқа ва лўнда қилиб, тажриба — бу белгиланган ҳар бир агротехник тадбирнинг ўз вақтида ва маромида амалга оширилишидир, деган фикрни айтди.

Бундай қараганда, ниҳоятда оддий ва кундалик ишдек туюладиган бу тартибга ҳамма ҳам рисоладагидек амал қилавермайди. Лекин, Тошкент тумани деҳқонлари бу борада қатъийлик кўрсатиб, астойдил ишлайдилар. Шу туфайли ҳар йили сабзавот етиштириш режалари ошириб бажарилади, гектарлар самарадорлиги ортиб боради. Улар ишни бошидан пухта қиладилар. Масалан, бу йил ҳам мўлжалдаги 60 гектар майдонга эртаки сараланган қарам кўчатларини барвақт, сифатли қилиб экиб қўйдилар.

— Сабзи агротехникаси ниҳоятда нозик, шундай эмасми? — сўрайман бош агрономдан.

— Сабзавотнинг бу турини экиш қандай бормоқда, демокчимсиз, — дейди Комилжон. — Деҳқонларимиз хоҳ эртаки бўлсин, хоҳ кечки бўлсин, сабзавотнинг бу туридан ҳам юқори ҳосил етиштиришнинг ҳаддини олганлар. Аввало улар уруғни танлаб, тупроқ шароитига мос келадиганини аниқлаб оладилар. Эртакига экиш учун сабзининг мирзойи қизил навини афзал кўрадилар. Негаки, бу нав совуққа чидамли. Агар эйтиборсизлик қилиб сариқ мирзойи навини эксангиз, кунлар совуб кетса, меҳнатингиз зое кетиши мумкин. Чунки, бу нав майсалари совуққа чидамсиз бўлади ва эркақлаб кетади.



ТАЖРИБА — БУ ҲАР БИР ИШНИНГ ВАҚТИДА БАЖАРИЛИШИДИР

Картошқачиликда ҳам Тошкент тумани деҳқонлари бир неча йилдирки, ҳосилдорликда пешқадам бўлиб келмоқдалар. Бу ҳам юқорида айтганимиздек, навга, уруғликка боғлиқ. Шу кунга қадар 250 гектар майдонга экиб қўйилган эртаки картошка уч-тўрт кундан сўнг ниш уриб қолиши мумкин. Ахир яхши уруғ — ярим ҳосил, дейдилар. Буни деҳқонлар ўз тажрибаларида қайта-қайта синовдан ўтказганлар. Шу туфайли сўнги йилларда тошкентлик деҳқонлар сабзавотнинг қайси тури бўлмасин, маъқул бўлган уруғларни, сабзавот кўчатларини ўзлари танлайдилар ва тайёрлайдилар. Сабаби юқоридан тавсия қилинган ва мақталган уруғларни экиб, чув тушиб қолган пайт-

лари бўлган. Ана шундай дамларда улар «Энди қандай бўлмасин, ўзимизнинг ер шароитимизга мос ва кафолатли уруғни ўзимиз етиштирамиз», дейишган ва бунга амал қилиб кам бўлмаяптилар.

Табиийки, экиннинг, айниқса, эртаки экиннинг ривожини, мўл ҳосил бериши кўпроқ об-ҳавога боғлиқ. Лекин ҳавонинг ҳар жиҳатдан юриши кетишига тўла ишонч бўлмайди. Буни ҳисобга олган тошкентликлар олдиндан тайёргарлик кўрадилар, эртаки экинларнинг асосий қисмини плёнка тагида ўстирадилар. Бу тадбирнинг ниҳоятда нозик ва мураккаб томонлари бор, албатта.

Туманда сабзавотчилик билан бирга ғаллачиликда ҳам етарли тажриба тўпланди. Ғалла етиштиришнинг ўзига хос услублари яратилди. Ҳар йили орзу қилиб келинган 40 центнерлик марра ошириб эгалланишининг сири ҳам шунда. Шунини ҳисобга олиб, 2002 йилда ғалла майдонларини озроқ кенгайтириб, 2520 гектарга етказдилар. Ҳозирги кунда ғаллазорларни айлансангиз, ер бетини кўм-кўк ғалла майсалари қоплаб олганлигини кўрасиз.

Лекин буни кўриб хотиржамликка берилиш ярамайди. Озиқлантириш ниҳоятда сифатли ва ўз вақтида ўтказилиши керак.

— Туманимиз бўйича барча ғалла майдонлари аллақачонок

биринчи озиқлантиришдан чиқарилди. Ҳар гектар ерга 200-300 килограммдан азотли ўғит берилди. Шунингдек, 18 минг тонна маҳаллий ўғит жамғариб қўйилди. Бу ўғит ғаллазорларга шарбат қилиб оқизилади. Умуман, бутун мавсум давомида ғаллазорлар камида икки марта озиқлантирилади.

— Демак, бу йил ҳосилдорлик аввалги йиллардагидан ҳам юқори бўлар экан-да?

— Шунга ҳароқат етиштирилди. Шунингдек, дейди Тиллаев. — Бунга асос бор, тажриба ҳам бор. Мутахассисларимиз ҳисоблаб чиқишган. Бир гектар ердан камида 40 центнердан ғалла олиш учун бир квадрат метр майдонда 550 та бошоқ пишиб етилиши шарт. Дала айланб кўрдик ва ишонч ҳосил қилдик. Айрим ғаллакорларнинг далаларида ҳар квадрат метр майдонда, ҳатто 600-700 тадан ортиқ бошоқ етилмоқда. Мен бу ўринда Ғиёс Умаров номли ширкат ҳўжалигидан У.Абдуҳолиқов, «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалигидан Н. Усмонов сингари пудратчи деҳқонларни назарда тутяпман. Улар ўтган йили ҳар гектар майдондан 70-75 центнердан ошириб бошоқли дон топширдилар.

Уша кунни биз бош ҳосилот билан деҳқоннинг масъулияти, бурчи ҳақида фикрлашдик. Меҳнатни ташкил этишнинг ижара, пудрат, чек усуллари ғаллачиликда ҳам, сабзавотчиликда ҳам ниҳоятда қўл келмоқда. Деҳқон меҳнатига яраша мўмай даромад олишга ишончи комил. Шундай экан, у тиним билмай, қийинчиликлардан чўчимай, муаммоларни ўзи ҳал этиб, астойдил ишлашга ҳароқат қилаверади.

Носир РИХСИЕВ.

«Тошвилоятавтотеххизмат»

ҳиссадорлик жамияти жамоаси
мунис ва мўтабар
онахонларимизни,
опа-сингилларимизни
нафосат ва гўзаллик байрами

Мустақил Ўзбекистонимизнинг
«Нексия», «Дамас», «Тико» ва «Матиз» автомобиллари
кўпроқ сизга насиб этсин, азиз аёллар!
Зеро, Сизнинг бошқарувингизда улар янада гўзалроқ кўринади.

8 Март
халқаро
хотин-қизлар
куни
билан қизгин
табриклайди.



«Тошвилоятавтотеххизмат» ХЖ.
Тел: Тошкентда 54-77-71, 54-62-42, 54-57-42.
Чинозда 8 (259) 31-413, 31-279.

КЎРГАЗМАДА ТАБИАТ ТУҲФАЛАРИ

«Ўзэкспомарказ»да Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва «Ўзэкспомарказ» ҳамкорлигида «Гуллар — 2002» кўргазмаси очилди.

— Кўргазмани ташкил қилишдан мақсад, унга ташриф қилганларни республикада гулчилик, ўсимликшўнослик, боғдорчилик, кўкаламзорлаштириш соҳасида эришган ютуқларимиз билан таништириш ва ҳозирда хусусий фирмалар, тадбиркорлар етиштираётган ноёб гулларнинг турини кўпайтиришдир, — деди «Ўзэкспомарказ» бош директорининг ўринбосари Ҳамид Ҳақимов.

— Кўргазмада турли мамлакатлардан келтирилган ноёб гулларни намойиш этиш билан бирга, уларни республикамиз ҳудудиде етиштиришни мўлжаллаяпмиз.

Тадбирда Ўзбекистон Фанлар академияси «Ботаника» илмий ишлаб чиқариш маркази, «Ниҳол-нур» деҳқон ҳўжалиги, «Совпластитал» қўшма корхонаси, «Шредер» номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти, «Эрор» Тошкент кўкаламзорлаштириш маркази, «Сопол буюмлар» кичик корхонаси, «Наврўз» гуллар дўкони, кўплаб хусусий тадбиркорлар ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлари билан қатнашишди.

«Туркистон-пресс».

АЁЛНИ УЛУҒЛАШ – ОИЛАНИ,

УМР ЙЎЛИ ЁШЛАРГА ИБРАТ

Инсон ёши улғайиб боргани сари умр бўйи қилган ишларининг сарҳисобини чиқарар экан. Нималар қилдим, нималарга улғира олмадим?—деган саволлар кишини ўйлантиравераркан.

Таниқли шифокор Нодира Қозокбоева ҳам қачонки умр йўлига назар солса, инсонлар учун нимадир қилиб улгурганини ҳис этади. У умрининг қарийб 20 йилини вилоят ички ишлар бошқармаси тиббиёт бўлимидаги хизматга бағишлади. Шу йиллар мобайнида минглаб ходимлар дардига малҳам бўлди.

Афғонистондаги жангларда турмуш ўртоғидан айрилган Нодира Қозокбоева Тошкентдаги 14-болалар шифохонасига ишга жойлашди. Шундан сўнг, иш фаолияти давомида жарроҳлик курсини ҳам тугатди. 1985 йили ички ишлар бошқармаси тиббиёт бўлимига ишга келганида бу со-

ни унга ишониб топширишди. Бу ерда у кичик операциялар ўтказар, жарроҳлик билан боғлиқ бўлган касалликларни даволар эди.

Айни кунга келиб, шифокор Н. Қозокбоева бўлимнинг ёш ходимларига ўз тажрибаларини ўргатмоқда. Унинг ҳаётдаги шиори инсонларга тўғри йўл кўрсата билиш, қаерда бўлмасин ёрдамга муҳтож кишиларга қўл чўзишдир. Хали ҳеч бир инсон унинг даргоҳидан даво топмай қайтмаган. Бу жарроҳ аёлнинг ширин сўзи-ю, яхши амалларидан вилоятнинг барча шаҳар-туманларидаги ички ишлар ходимлари баҳраманд бўлишган.

— Бўлимимиздаги шифокорлар орасида Нодира опанинг ўз ўрни бор, — дейди тиббий бўлим бош шифокори, ички ишлар подполковниги Мирвосил Мирқосимов. — Бирон-бир ишни амалга оширмакчи бўлсак, аввало у киши билан маслаҳатлашамиз. Яна бир эътиборли жиҳатлари шундаки, манманлик ва бошқа салбий хислатлар опага мутлақо бегона. Самимийлик ва камтарликда уларга тенг келадиган инсон бўлмаса керак.

Ҳа, ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўп кўрган инсон атрофидагилардан ҳар жиҳатдан ажралиб туради.


**Равшан ЁҚУБЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
муҳбири.**

мукофоти лауреатлари Гулноза Турғунбоева, Рухсора Тўлабоева каби ижодкор қизларимиз қаторига ёш олима Мастура Умарова ҳам қўшилди. Хотин-қизлар орасида хўжаликлар, корхоналар, фирмаларнинг ишчан раҳбарлари етишиб чиқяпти. «Қибрай-нон» заводининг директори Рухсора Абдурахмонова ана шундай ишбилар-

ва йиғилганларни Халқаро хотин-қизлар байрами – 8 март билан қизгин кутлашди.

Санъат усталари она-Ватан ва мустақиллик, бахт-саодат, ёрқин истиқбол ҳақидаги кўшиқларни ижро этишди.

**Жўрабек МУРОДОВ.
СУРАТЛАРДА: байрамга бағишланган базмдан лавҳалар.
Даврон АХМАД олган суратлар.**



СИЗ

**ҲАМИША
ЭЪЗОЗДАСИЗ**



аёл вилоят Кенгаши, 76 аёл шаҳар ва туман кенгашлари депутати сифатида ижтимоий-сиёсий фаолиятда қизгин иштирок этаётир. Зулфия номидаги давлат

**(Давоми.
Боши 1-бетда).**

мон аёлларнинг биридир. Мана шу ажойиб замондошларимизнинг энг яхши вакиллари муборакбод этилди.

Вилоят ҳокими Уммат Мирзақулов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитасининг раиси Дилбар Фуломо-

рувчи улуглик бор. Бўй чўзаётган майса, кўз очаётган куртак, қимтиниб лаб ёраётган лола, тошлар ичра талпинган ирмоқ — булар баҳор бошлаётган илк кўшиқлардир. Баҳорнинг келиши, баҳорга етмоқнинг ўзи бир байрам. Зотан, онахонларимиз дуога қўл очганларида «шу кунларга етказганига шукур», дейдилар. Бунда катта ҳикмат бор. Чунки, тирикликнинг ўзи ҳам бирбайрам...

Биз байрам ҳақида сўз очаяпмиз. Озод ва обод юртимизда байрамлар кўп. Ҳеч қайси байрамни хурлик байрамга қиёслаб бўлмайди. Лекин, гўзаллик байрами ҳақида гап кетса, беихтиёр 8 март — халқаро хотин-қизлар кунини эслаймиз. Зотан, баҳор ҳам юртимизга шу байрам билан эш келади. Дунё одамлари баҳорни олқишлайдилар. Назаримда, баҳор эса, аёлни олқишлайди.

Баҳор ва аёл! Бу дегани гўзаллик гўзалликка кўзгу тутганидек гап. Баҳор ўз изидан эргашиб келаётган фаслларга ўрин беради. Аёл эса, кўзининг ҳазонлари, қишнинг қаҳратони ичра ҳам гўзаллик тимсоли, меҳру оқибат тимсоли, яхшилик, эзгулик эгаси бўлиб, сизни меҳрга чорлаб тураверади. Меҳрга чорлаш дегани бу яшашга чорлаш дегани. Бу дунёдан ҳеч кимнинг кетгиси келмаслиги табиий. Аммо, аёл муҳаббати ёниб, яшашга чорлайди. Қалбида ишқи, севгиси бор одамга дунё гўзал кўринади. Гўзалликни қадрлаш деган сўз — Оллоҳга ёқиш деган сўз...

Беғуноҳ ва хуш яшашдан мақсад охират тадоригини кўришга интилиш, албатта. Пайгамбаримиз «жаннат оналар оёғи остидадир» деганларида бу дунё гўзаллигини асрай билгин деган бўлсалар, ажабмас.

Уйга остона хатлаб кирган бола кўзлари нигорон онаизорини излайди. Болаку майли-я, уйга эшиқдан қадам қўйган ота ҳам кўзига

(Давоми. Боши 1-бетда).

кўринмаса, болаларига «онанг қани», деган саволни беради. Нега шундай? Чунки, оналар меҳрга мироб, оиланинг чироғи, кўнгулнинг кўзгуси. Рўзгордаги бараканинг бошида она туради. Ҳовлидаги файзу тароватнинг бекаси она! Тозалиқдан қулиб турган кийим-бошинг ҳам, аёлга олқиш айтаётгандек гўё.

Оқ ҳарир рўмоли ичра фариштадек бўлиб ўтирган бувижонлар омон бўлсалар, ёшларга дуо ёр бўлмай. Чунки улар инсоф ва адолатга, савоб ва саҳоватга чорловчи инсонлардир. «Қари билганини пари билмайди» дейди доно халқимиз. Эл-юртнинг тинчлик-осойишталигини тонгда биринчи бўлиб Оллоҳдан сўрагучи бу дунё фаришталари бувижонларимиз эмасми, ахир!

Гўзаллик маликалари қизларимиз, қизалоқларимиз баҳорда бодраб чиққан бойчекдек қувончимиз кўнғироқларидир. Учта қизни камолга етказган ота-онага яратган жаннатдан жой ато этгайдир, деган сўз юради эл ичра. Бунда ҳам бир ҳикмат яширин. Элда яна шундай ибора бор: Бугдойзорни босиб ўтиш опаси ёки синглиси ҳузурига ошиқайтган оғагагина рухсат этилармиш. Демак, бу дунё гўзаллигининг тимсоли бўлмиш қизларимизнинг қадр-қиматини жонлари қадр асраш миллатимиз эр йиғитларининг бурчларидир.

Халқаро хотин-қизлар байрами ҳар биримиз учун гўзаллик байрами, баҳор байрами, бахтимиз байрамидир. Зеро, аёлларсиз ҳеч бир инсон бахт ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлмайди. Келинг азизлар, дунёда ҳеч бир оиланинг бахти кемтик бўлмасин. Оналаримиз, аёлларимиз бахтга бека бўлсинлар, шодликка бека бўлсинлар! Чехраларига табассум, қўлларига гуллар ярашсин. Тинчлик-осойишталигимизга кўз тегмай, байрамлари, яхши кунлари кўп бўлсин уларнинг!

Маҳмуд ТОИРОВ.

ҳанинг иссиқ-совуғини анча табиб улгурганди. Шу сабабли жарроҳлик хонасининг шифокорлиги-

*Яхши хотинлар сафойи зухдидин
Олам ичра гар ёруғлик бўлса фош,
Йўқ ажаб, чунким араб алфозиди
Истиқлол ичра муаннасдир қуёш.
Алишер НАВОЙИ.*

ОТА ДУОСИНИ ОЛГАН КАМ БЎЛМАС

Хизмат юзасидан тез-тез раҳбарлар ҳузурда бўлишга, улар билан суҳбатлашимизга тўғри келади.

Самимий, камтар, чиройли хулқи одамлар билан гаплашганимизда, унинг таассуроти анчагача хотирамизда сақланиб қолади. Бундай маданиятли инсонлар одатда ўз соҳасининг билимдон мутахассислари ҳам бўладилар.

Рўза Абдусатторова асли туркистонлик. Отаси раҳматли Тоҷимухаммад ака, онаси Мавжуда опа халқимизнинг атоқли шоири Миртемир домланинг киндик қони тўкилган жой — Иқон қишлоғида таваллуд топган. Етти фарзанднинг падари бузруквори бўлган Тоҷимухаммад ака кўп йиллар Туркистон шаҳрида молия тизимида ишлади. Волидаси эса, ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиётдан ёш авлодга таълим берди.

— Рамазон ойида туғилган эканман, — ҳикоя қилади суҳбатдошимиз, — шу сабабли исмиمنى Рўза қўйишган. Отам туфайли молия соҳасига қизиқишим болагимиздаёқ уйғонган. Туркистондаги 1-ўрта мактабни тугатгач, ҳеч иккиланмай хўжатларимни Тошкент халқ хўжалиги олийгоҳига топширдим. Отам бошлаган ишни давом эттираётганимдан доим фахрланаман.

Ота ризолигини, дуосини ол-

ган инсон асло кам бўлмайди, дейдилар. Р. Абдусатторова олийгоҳнинг кечки бўлимида ўқиб, кундузи Тошкент тўқимачилик комбинатида ишлади. Кейин Юнусобод тумани халқ таълими бўлимига ҳисобчи вазифасига ўтди. Орадан кўп ўтмай билимдон, ўз устида тинимсиз ишловчи мутахассисни шаҳар халқ таълими бош қармасига ишга тақлиф этишди.

Ишонч — инсонга бериладиган маънавий мукофот. Уни оқлаш эса, шу бойлиқни асрай олишдир. Р. Абдусатторова Тошкент шаҳар молия бошқармасида катта иқтисодчи, бюджет бўлими бошлигининг муовини, Юнусобод тумани молия бўлими мудири лавозимларида ҳам сидикидилдан меҳнат қилиб, кўпнинг ишончини оқлади. 2000 йилнинг июнь ойидан эса, вилоят молия бошқармаси бошлигининг муовини — бюджет жамлаш бўлими раҳбари вазифасида фаолият кўрсатяпти.

Аёл ҳар қанча масъулиятли ишда ишлаганин, биринчи навбатда у оила аталмиш муқаддас маконнинг бекаси, болаларининг севимли онасидир.

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ВАТАННИ, ХАЁТНИ УЛУҒЛАШДИР

Ўзбек миллий театрида 8-март — халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан вилоят ички ишлар бошқармасининг байрам тадбири бўлиб ўтди.

СОВҒАЛАР ТОПШИРИЛДИ

Унда вилоят бошқармаси ҳамда шаҳар ва туман ички ишлар бўлимларида меҳнат қилаётган хотин-қизлар иштирок этдилар. Тadbирда вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Шораҳим Расулов, бошқарманинг фахрийлар кенгаши раиси Муҳиддин Иноғомов ва бошқа ички ишлар ходимлари йиғилганларни байрам билан муборакбод этдилар. Бошқарма номидан аёлларга совғалар топширилди. Шундан сўнг халқимизнинг суюкли санъаткорлари иштирокида катта байрам концерти намойиш этилди.

Ўз мухбиримиз.

ДУНЁ СИЗ БИЛАН ГЎЗАЛ

Ўзингиз қалбимнинг нозик торисиз,
Хаёт гулларисиз, мушк уфорисиз.
Алдек йигитларнинг севган ёрисиз,
Дунё Сиз билан гўзал, азиз аёллар!

Ўлкамнинг бағри бутун сиз билан,
Табиатнинг ҳусни устун сиз билан.
Нур қўйнида қоронғу тун сиз билан,
Дунё Сиз билан гўзал, азиз аёллар!

Сиз ширин сўзларга муштоқсиз доим,
Бир зумда бўласиз мўмин, мулойим.

Сиз меҳрибон синглим, мунисим ойим,
Дунё Сиз билан гўзал, азиз аёллар!

Севингу, севилинг, сира кам бўлманг,
Ғаму андуҳлардан кўзи нам бўлманг.
Кувониб яшангда, боши хам бўлманг,
Дунё Сиз билан гўзал, азиз аёллар.

Мадҳингиз битишга оғизидир қалам,
Сиз гўзал Зухросиз, сулув Ойсанам.
Кувноқ кулгингиздан яшнасин олам,
Дунё Сиз билан гўзал, азиз аёллар!

Карима ВАКИЛОВА,
Зангиота туманидаги 1-ўрта мактабнинг
она тили ва адабиёт ўқитувчиси.

Фарзанд гулдир, она бир бўстон,
Шунинг билан олам гулистон.
Ҳамид ОЛИМЖОН.

КЎКЛАМНИНГ ДЕБОЧА САТРАРИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида хотин-қизлар кунига бағишлаб мушоира ўтказилди.

— Аёллар кўлида миллат ва Ватан келажаги туради, — деди Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов. — Шундай экан, биз уларни эъозлашимиз ва қўллаб-қувватлашимиз керак. Таъбир жоиз бўлса, аёл — она бир кўлида бешикни, бир кўлида дунёни тебратади. Хайтимиз кўрки бўлган оналаримиз — аёлларимиз, опа-сингилларимизни мадҳ этиб, қанчадан-қанча шеър устозлар битсак, шунча кам.

Байрам мушоирасида халқимизнинг сеvimли шоирлари Ойдин Ҳожиева, Ҳалима Худойбердиева, Гулчеҳра Жўраева ва бошқалар иштирок этишди.

«Туркистон-пресс».

МАСТУРА-ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ МУКОФОТ СОВРИНДОРИ



Мастура 1994 йили лицейни аъло баҳоларга тугатиб, Тошкент Давлат Аграр университетининг агрономия куллиётига ўқишга кирди ва уни 1999 йили имтиёзли диплом билан битириб, университетнинг селекция ва уруғчилик кафедрасига тадқиқотчи лавозимига ишга қабул қилинди.

Ўша йил октябрда мазкур ўқув даргоҳи аспиранти бўлди. М.Умарова ўқиш ва иш фаолияти давомида илмга чанқоқлиги, намунали хулқи, муомаласи ва аъло ўқиш билан устозлари ва тенгдошлари ўртасида ҳурмат қозонди. «Ўзбекистоннинг сугориладиган ерларида юмшоқ ва қаттиқ бугдой селекцияси учун бошланғич манба яратиш» мавзусида илмий изланишлар олиб бормоқда.

Ўзбекистонда ғалла мустақиллигига эришиш учун мўл ва барқарор ҳосил олишда маҳаллий шароитга яхши мослашган, тезпишар, ётиб қолмайдиган, касалликларга ва зараркундаларга ҳамда ташқи ноқулай шароитларга чидамли, ҳосилдор навларни яратиш кўп жиҳатдан бошланғич манбани тўғри танлашга боғлиқ. Буни яхши тушулган бўлажак олимда илмий ишида бошланғич манбаларни ўрганишга жиддий эътибор берапти.

Аспирант М.Умарова турли мамлакатларда яратилган бугдойнинг жаҳон коллекцияси намуналарини Ўзбекистон ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтида 1999-2001 йиллар давомида ўрганиб, бизнинг иқлимга мос навларни танлаб, селекция учун тавсия этмоқда.

Мазкур илмгоҳда нафақат Ўзбекистон, бутун Марказий Осиё учун бугдой ва бошқа экинларнинг маҳаллий ҳамда жаҳон коллекцияси намуналарини ёки генетик ресурсларини ўрганиш, уларни селеционерларга тавсия этишдек муҳим илмий амалий аҳамиятга молик изланишлар олиб борилади.

Мастура илмга чанқоқ, тинимсиз ўқиб ўрганишга интилувчи ёшлардан. У республика талабалар олимпиадасининг якуний босқичида агрономия фанлари бўйича биринчи ўринни олган. Университетда ўтказилган «Зукко агроном» кўрик-танловида ғолиб деб топилган. Ҳар йили факультетлараро ўтказиладиган «Иқбол» кизлар кўрик-танловининг бир неча бор бош совриндори бўлган.

М.Умарова ҳозир аспирантуранинг учинчи босқичида таҳсил олмақда. Шу ўтган уч йил мобайнида илмий тадқиқотлари юзасидан республика ва хорижий давлатлар илмий журналларида 11та мақола ва битта рисола чоп этилди. Шу билан бирга турли жамоат ишларида ва танловларда фаол қатнашиб келмоқда. Жумладан, у республика «Ёш олимлар кенгаши» аъзоси ва котибаси, университетдаги шундай кенгашнинг раиси ҳамдир. Ўзбекистон мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон мустақиллиги унинг фани ва технологияларини ривожлантириш кафолати» мавзусида ўтказилган аспирантлар ва докторантлар ҳамда тадқиқотчиларнинг V республика илмий конференциясида фахрли иккинчи ўринни эгаллади ва олийгоҳ аспирантлари ўртасида «Йилнинг энг яхши аспиранти» деб эълон қилинди.

Иқтидорли ёш олиманинг илмий изланишлари Зулфия номидаги Давлат мукофотига муносиб топилди. Бу хушxabардан ўзи, устозлари, яқинлари бениҳоя сеvindилар. «Ҳа, у шундай мукофотга лойиқ», дедилар.

Таржимаи ҳолим кўплар қатори оддийгина. 1981 йили Пскентдаги 3-мактабнинг биринчи синфига ўқишга бордим. Бошланғич синфда ўқиган давримдаёқ жамоат ишларида фаол иштирок эта бошладим. 1990 йилда мактаб ўқувчилар кўмитасининг раиси сифатида олиб борган ишларим туман миқёсида оммалаштирилди.

Аваллига онам сингари математика ўқитувчиси бўлишни орзу қилгандим. Бироқ она тили ва адабиёти фани ўқитувчиларим Каромат опа Исаева ва Мукамбар опа Эргашеваларнинг касбига фидойилиги сабабли шу фанга менда қизиқиш кучайди. 1991 йили вилоят олимпиадасида биринчи ўринни эгалладим. Республика олимпиадасида ҳам муваффақиятли қатнашдим. Ўша йили мактабни аъло баҳоларга тугатиб, Низомий номидаги Тошкент Давлат муаллимлар олийгоҳининг ўзбек филологияси куллиётига имтиҳонсиз қабул қилиндим. Талабалик давримда ҳам яхши

ўқиш билан бирга жамоат ишларида мунтазам қатнашдим. 1993 йили ўқимшни сиртқиға кўчириб, Пскентдаги 1-мактабда меҳнат фаолиятимни бошладим. Юқори синфларга ўзбек тили ва адабиётдан дарс бериш билан бирга 8 «Г» синфига раҳбарлик қилдим. Ёзги таътил даврида зиё маскани қошида ташкил этилган «Истиклол» оромгоҳига раҳбар

бўлдим. Ҳар янги ўқув йили арафасида ўтадиган август кенгашларига маърузалар тайёрладим. «Ўқувчилар билимини баҳолашнинг рейтинг усули», «Замонавий дарс

ҳақида менинг тасаввурим» ва бошқа шу каби мавзудаги маърузаларим билан вилоят миқёсида ўтказилган семинарларда қатнашдим. Улар Тошкент вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг мониторинг хонасидан ўрин олган.

Тинимсиз изланишларим, ўқиб ўрганишларим, устозлар илмидан олган сабоқларим натижасида 1999 йили «Йил ўқитувчиси» вилоят кўрик-танловида ғолиб бўлдим. Утган йили эса, республика босқичида муваффақиятли қатнашиб, биринчи ўринни олдим ва Юртбошимизнинг ғолибга аталган соврини «Тико» автомобили билан мукофотландим. Бу мукофот нафақат менинг, шу билан бирга устозларимнинг ҳам заҳматли меҳнатига берилган юксак баҳо деб биламан.

Шундай мартабага эришимда оила аъзоларимнинг ҳам ҳиссалари жуда катта бўлди. Қайнота-қайнонам, турмуш ўртоғим мени ҳар томонлама қўллашди. Уй юмушларидан озод қилиб, кўрик-танловга пухта тайёргарлик кўришим учун шароит яратиб беришди.

Келажақда мустақил Ватанимизнинг равнақи учун хизмат қиладиган ёш авлодни тарбиялашда бор куч ва билимимни аямай янада унумли меҳнат қилиш ниятидаман.

Раҳима МИРҲОЛИҚОВА,
Пскент туманидаги
1-мактаб ўқитувчиси.



РОВАТАК ЗАРДЎЗЛАРИ

Ўртачирчиқ тумани қишлоқларида зардўзлик оммавий касбга айланиб борапти. Сўнгги икки йилда 250 қиз-жувон бу касбни эгаллаб, мустақил ишлаб бошлади. «Агробизнес» ўқув маркази туман хотин-қизлар кўмитаси ва меҳнат бўлими билан ҳамкорликда «Роватак» ва «Ҳақиқат» жамоа хўжалиқларида зардўзлик бўйича ташкил этган ўқувлар шундай натижа берди. Ёлғиз «Роватак» хўжалигининг зардўзлари бир йилда 4 миллион 32 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришди.

— Туманинг барча қишлоқларида зардўзликни йўлга қўямиз, — дейди устоз зардўз Башорат Нуруллаева.

СУРАТДА: зардўз қизлар ва улар тиккан буюмлардан намуналар.

Dushanba

11

«Ўзбекистон» телеканал

Профилактика мурсабати билан душанба 11 март куни «Ўзбекистон-1» телеканали кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади. 15.00 «Олтин тож».

18.00 Янгиликлар 18.10 «Хамма гап шляпада». Мультфильм. 18.25 «Мулк».

дайжест». 23.15-23.20 Ватан тўмсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр тонги. 10.00 «Янги авлод» студияси: Уй вази-фаси.

15.05 «Кусто команда-сининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 15.55 «Озод юрт фарзандлари».

21.30 Кишлокдаги тенгдошим. 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури.

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 Болажонлар экрани. «Этик кийган мушук».

19.35, 21.10, 22.10 «Экспресс» телегазетаси. 19.50 «Авто-news».

«Халқаро» телеканал

РЖТ 7.30 - 9.00 17.00 Кўрсатувлар тартиби. 17.05 «Вести».

22.40 Кинематограф. «Тўфон». Бадий фильм. 00.05 «Ахборот» (рус тилида)

30-КАНАЛ

16.55 га қадар профилактика. 17.00 Дастурнинг очилиши. 17.05 «30-канал»да ҳужжатли кино.

Seshanba

12

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот». 8.35 Газеталар шарҳи. 8.55 «Камалат».

14.10 «Кишлоқ ҳаёти». 14.30, 16.05 ТВ-анонс. 14.35 Кундузги сеанс: «Довюррак Хонбар ҳақида ривоят».

хизмат кўрсатган артистлар. 21.45 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин».

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» почтаси, Билагон маслаҳати.

15.20 Қарияларни кадрлаш йили. «Қадрият». 15.35 Олтин мерос. 15.40 «Осмондан тушган мерос».

22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.35 ТВ-анонс. 22.40 «Муҳаббат қавҳаси».

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».

23.05 Кинонигоҳ. «Интервью». 00.30-00.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

РЖТ 7.30-9.00 17.00 Кўрсатувлар тартиби. 17.05 «Вести».

соати. 10.25 «Жунжикиш». Сериал. 10.50 «Шоҳид».

Chorshanba

13

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 Газеталар шарҳи. 8.55 «Ўзбектеlevision» намоёйиши: «Тошкент».

Ватаним маним». 13.30 «Ошин». Телесериал. 14.10 «Остонаси тиллодан».

21.20 Санъат усталарининг концерти. 21.50 «Спорт, спорт, спорт».

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.

саргузаштлари». Телесериал. 14.45 Автопатрул. 15.05 «Парварииш». Бадий фильм. 1-қисм.

21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.35 ТВ-анонс. 22.40 «Муҳаббат қавҳаси».

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».

Бевосита мулоқот. 22.25 «Қамолот фасли». 23.30 Кинонигоҳ.

«Халқаро» телеканал

РЖТ 7.30-9.00 17.00 Кўрсатувлар тартиби. 17.05 «Вести».

очилиши. 9.05, 17.45, 20.35 - «Телехамкор». 9.30, 14.15 - Болалар соати.

Payshanba

14

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот». 8.35 Газеталар шарҳи. 8.55 «Ўзбектеле-фильм» намоёйиши: «Меҳр қуёши».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар 10.05 «Дерсу Узала».

бўйича Ўзбекистон биринчилиги. 13.10 «Сен баҳорни соғинмадингми?».

театрининг спектакли. 1-қисм. 17.45 «Харита». Халқаро шарҳ.

сизга армуғон». 21.25 «Бугуннинг гапи». 21.45 «Келин-куёв».

ал. 3-қисм. 9.50 Тафаккур ёлқинлари. 10.05 Мусикий лаҳзалар.

сининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 17.25 Кўрсатувлар дастури.

news. 19.35 ТВ-анонс. 19.40 «Давр»-интервью. 19.55 Баҳор кўшиқлари. 20.10 Жар ёқасида. 20.30 Ҳозирги замон ўзбек шеърятидан. 20.35 Бегойим. 20.55, 21.25, 22.30 Эълонлар 21.00 «Эсмералда». Телесериал. 21.30 Ёшлар овози. 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.35 ТВ-анонс.	22.40 «Муҳаббат қавҳаси». Телесериал. 23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида - 23.50 «Давр». Ахборот дастури. 00.55-1.00 Хайрли тун! «Тошкент» телеканал 17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара». 18.00 Болажонлар экрани. «Жуманжи». Мультфильм. 12-	кисм. 18.25, 20.00, 21.35, 22.10 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.45 ТТВда сериал: «Селеста, хамиша Селеста». 19.10 «Сув ости экспедицияси». Хўжжатли фильм. 19.35, 21.10, 21.55 «Экспресс» телегазетаси. 19.50 «Авто-news». 20.25 ТТВда сериал: «Бибилиска пул». 21.25 «Жозиба». 22.35 Кинонигоҳ. «Қайсарнинг қуйили-	ши». 24.00-00.05 «Хайрли тун, шаҳрим!» «Халқаро» телеканал РЖТ 7.30-9.00 17.00 Кўрсатувлар тартиби. 17.05 «Вести». 17.25 «Терговни билимдонлар олиб боради». Сериал. 18.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви. 18.25 «Ўзим биламан». Ҳажвий журнал. 18.55 «Муҳаббат ери». Сериал. 20.00 «Заиф бўгин».	Шоу ўйин. 21.00 «Время». 21.35 «Қалб қанотлари». Сериал. 22.20 «Соккер клуб». 22.40 Кинематограф. «Агата Кристи. Пуаро». Бадий фильм. 00.10 «Ахборот» (рус тилида) 00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!» 30-КАНАЛ 9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.35 -	«Телехамкор». 9.30, 14.15 - Болалар соати. 10.25 «Жунжикиш». Сериал. 10.50 «Яши кайфият». Муסיкий-дам олиш дастури. 11.20 «Иблис боласи». Телесериал. 12.00 «Усмир». 3-серия. 13.30 «Майами Сендс». Телесериал. 15.10 Кундузги киносеанс. «Форт Саган». 1-серия. 16.50 «Симпсонлар». Мультсериал.	17.15 Кино, кино, кино. 18.05 «Петербург сирлари». Телесериал. 19.00 «30-канал» киноқшоми: «Телба Сесил Б.». Комедия. 21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.20 «Ошиқона». Муסיкий дастур. 21.30 «30-канал» киноқшоми: «Ромео ва Жульетта». Драма. 23.15 «Тез ёрдам». Телесериал. 24.00 Ярим тунда спорт.
--	---	---	---	---	---	--

JUMA **15**

«Ўзбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».

8.35 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Фавворалар», «Ўзбекистон дурдоналари: Шахрисабз». Премьера.
9.15, 11.15 ТВ-метео
9.20 «Олтин мерос».
9.40 «Бугуннинг гапи».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.
10.05 «Дерсу Узала». Бадий фильм. 2-кисм.
11.20 «Ўзгилгинг намойиш қил». Экранда - Сирдарё вилояти.
11.40 «Хўжа Насриддин». Мультфильм.
12.05 «Рухият манзаралари».
12.40 «Бешбармоқ». Тележурнал.
13.00, 13.55, 15.30 ТВ-анонс.
13.05 Эстрада тарона-

лари.
13.35 «Ёшлик шиддати». Спорт дастури.
14.10 Кундузги сеанс: «Болажон киз». Бадий фильм.
15.35 «Китоб жавонгизга».
15.55 «Аския».
16.05 «Инсон ва қонун».
16.25 У. Азим. Б. Лутфуллаев. «Алломишнинг қайтиши». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат муסיкий театрининг спектакли. 2-кисм.
17.20 Болалар учун. «Кўзмунчок».
17.40 «Ўзбек спорти одимлари».
18.10 «Ҳиммат».
18.25 «Омад қувончи». Телелотерея.
19.05 «Зиё» студияси намойиш этади: «Этиқод мустақамлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 «Тиббиёт одимлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Санъатга баҳшида умр». О. Хотамов.
21.30 «Ўзбекистон» телеканалда биринчи марта: «Ошин». Телесериал.
22.00 «Олтин бешик».
22.30 «Оталар сўзи - ақлнинг қузи».
23.30 «Ахборот - дайжест».
23.50 - 23.55 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус.
9.40 «Рокки ва унинг дўстлари». Мультсериал. 4-кисм.
9.55 «Давр»-интервью.
10.10 «Эсмералда». Телесериал.
10.35 Уйна болажон, уйна.
10.50 Бегойим.
11.10 «Экспедиция». Хўжжатли сериал.
12.00 Ёшлар овози.
12.20 «Маърифат бўстони». Видео-

фильм.
12.40 Интерфутбол.
14.20 Минг бир маслаҳат.
14.40 «Кусто команда-сининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
15.25 Олтин мерос.
15.30 «Товус малика». Бадий фильм.
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» студияси: «Олтин қалит», «Боланинг тили».
17.30 «Рокки ва унинг дўстлари». Мультсериал. 5-кисм.
17.45 Автосалтанат.
18.00 Кўли гул уста.
18.20 Хўкук ва бурч.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 Аср қиёфаси.
19.55 Ёшлар овози.
20.15, 20.45, 22.30 Эълонлар
20.20 «Эсмералда». Телесериал.
20.50 Аскар мактублари.
21.10 «Ёшлар» телеканалда премьерара: «Бог». Телевизион бадий фильм

(«Ўзбектелефильм»). 1-кисм.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 Олтин мерос.
22.40 «Муҳаббат қавҳаси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг қироллари.
00.05 «Давр». Ахборот дастури.
00.20-00.25 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканал
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болажонлар экрани. «Жуманжи». Мультфильм. 13-кисм.
18.25, 20.00, 21.40, 22.35 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Селеста, хамиша Селеста».
19.10 «Сув ости экспедицияси». Хўжжатли фильм.
19.35, 21.10, 22.20 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Эл хизматида». 20.25 ТТВда сериал: «Бибилиска пул».
21.25 «Этиқод».
22.00 «Нима учун?»
23.00 Кинонигоҳ.
«Шарпа оловчилар-

1».
00.30-00.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
РЖТ 7.30-9.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Вести».
17.25 «Ўз-ўзига режиссёр».
18.10 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.20 СФИ тақдим этади: «Бешикчи ўлчов».
18.45 «Гузалик ва мангулик ҳақида».
19.00 «Муҳаббат ери». Сериал.
20.00 «Муъжизалар майдони».
21.00 «Время».

21.35 «Қалб қанотлари». Сериал.
22.20 «Дурдаршан».
22.40 Кинонинг олтин асри: «Ромео ва Жульетта». Бадий фильм.
00.40 «Ахборот» (рус тилида)
1.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-КАНАЛ
9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.45, 20.35 -

«Телехамкор».
9.30, 14.15 Болалар соати.
10.25 «Жунжикиш». Телесериал.
10.50 «Яши кайфият». Муסיкий дам олиш дастури.
11.20 «Иблис боласи». Телесериал.
12.00 «Усмир». 4-серия.
13.30 «Майами Сендс». Телесериал.
15.01 Кундузги кинозал. «Форт Саган». 2-серия.
16.50 «Симпсонлар». Мультсериал.
17.15 «Жангвор спорт олами». Спорт дастури.
18.05 «Петербург сирлари». Телесериал.
19.00 «30-канал» киноқшоми: «Америкалик қиз». Мелодрама.
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.20 «Ошиқона». Муסיкий дастур.
21.30 «30-канал» киноқшоми: «Сохибжамол». Комедия.
23.15 «Тез ёрдам». Телесериал.
24.00 Ярим тунда спорт.

SHANBA **16**

«Ўзбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

8.35 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Баҳор лавҳалари».
9.05 «Муסיқа бустони». Телеальманах.
9.25 «Зиё» студияси намойиш этади: «Этиқод мустақамлиги йўлида».
9.45 «Алиса кўзгу орти ўлкасида». Мультфильм.
10.25 «Маърифат». Телеальманах.
10.45 «Ўзбекистон бастакорлари».
11.10 Болалар учун. «Кўзмунчок».
11.30 «Шум бола». Бадий фильм.
13.00, 16.05 ТВ-анонс.
13.05 «Наврўзи олам». Муסיкий композиция.
13.25 «Маҳалла миз болалари». Телемусобақа.
14.00 «Ўзбек спорти одимлари».

14.20 ТВ-1 кинотеатри: «Автомобилдан сакланинг». Бадий фильм.
15.45 «Бахтимизга омон бўлинг».
16.10 «Ягона оилада».
16.40 «Фламинго». Кинокўрсатув.
17.00 «Рангин дунё».
17.20 «Муъжизалар майдончаси». Телевизион ўйин.
18.10 «Тараққиёт одимлари».
18.30 «Муסיқа: кеча ва бугун».
18.55 «Пазандалик сирлари».
19.05 «Қишлоқ ҳаёти».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Балли, раислар!».
21.55 «Соғлом она-соғлом бола».
22.15 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати.

ти. «Трактор» - «Пахтакор».
23.00 «Ахборот - дайжест».
«Тунги ёғду».
Дам олиш кинодастур
23.20 «ТВ альманах».
23.40 «Рейчелл Хардкал». Бадий фильм.
1.15-1.20 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: Олтин қалит, Боланинг тили.
9.30 «Рокки ва унинг дўстлари». Мультсериал. 5-кисм.
9.45 Табаот оламида.
10.05 «Эсмералда». Телесериал.
10.30 «Бунёдкорлик» ёшлар телеклуби.
11.15 Муסיкий лаҳзалар.
11.25 Аср қиёфаси.
11.45 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг қироллари.
12.45 Жар ёқасида.
13.05 Ёшлар овози.
13.25 Кутилмаган меҳмон.
13.45 «Бог». Телевизион бадий фильм. 1-кисм.
14.30 Синфдош.

14.55 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис.
15.35 Мультфильм.
15.55 Бола тилидан.
16.25 «Рамайна». Телесериал.
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?»
17.25 Саломатлик сирлари.
17.45 Ёшлар овози.
18.05 Олтин мерос.
18.10 Футбол плюс.
18.30 Бизнес-академия.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс.
19.35 Каталог.
19.45 «Давр»-интервью.
20.00 Ёшлик кўшиқлари.
20.15 Юлдузлар чехраси.
20.45, 21.35, 22.30 Эълонлар
20.50 «Бог». Телевизион бадий фильм. 2-кисм.
21.40 Наврўз оҳанглари.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 Тунги тароналар.
22.45 ТВ-саёҳат.
23.05 «Ишонч заволи». Бадий фильм.

00.35-00.40 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканал
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 Мультчархпалак.
17.40 Болажонлар экрани. «Покемон-2»
19.10 «ТВ плюс».
19.30 «Табриклиймиз-қутлаймиз»
20.00 «Пойтахт шарҳи»
20.20, 21.30, 22.20 «Экспресс» телегазетаси.
20.35 ТТВда муסיқа.
20.45 «Жаҳон географияси».
21.45 «Мисли гавҳар».
22.00 «Ташриф».
22.35 Кинонигоҳ.
«Шарпа оловчилар-2»
00.10-00.15 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Дурдаршан».
9.30 «Соккер клуб».
9.50 «Мультсеанс».

10.10 Е. Петросяниннинг Кулги панорамаси.
10.45 «Лаззат».

11.05 «СФИ янгиларлари».
11.15 «Инглиз тили Сиз учун». Болалар учун кўрсатув.
11.40 «Экран зийнати

ва қиймати».
12.05 «6x9». Шоу-дастур.
12.50 «Хўж».
13.10 Дўстлик видеоанали: «Ўзбекистон - умумий уйимиз».
«Сахий хонадонда».
«Бизнен мирас».
14.10-14.40 «Немис тили».
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Бинафша».
17.30 «Музиқ холл».
18.00 «Британия кундалиги».

18.20 В. Добрининнинг концерт дастури.
19.00 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
20.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
21.00 «Время».

21.30 «Тенгдошлар».
22.00 «Альо» гуруҳи иштирокидаги концерт дастури.
22.25 Кинематограф.
«Сунги ракс». Бадий фильм.
24.00 «Ахборот» (рус тилида)
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-КАНАЛ
9.00 Дастурнинг

очилиши.
9.05, 17.45, 20.30 - «Телехамкор».
9.30 «Инспектор Гаджет». Мультсериал.
10.00 Фильм-болаларга. «Улмас Кашчей». Эртақ.
11.30 «Алекс Макнинг сирли олами». Сериал.
12.00 Оилавий кино. «Еш бўлган эдик». Мелодрама.
13.40 «Баффи». Телесериал.
14.30 Ҳинд киноси. «Сайлов». Мелодрама.
16.40 «Яширин камера билан». Ҳажвий дастур.
17.00 «Ўз ўйини». Теле-шоу.
18.10 «30-канал» киноқшоми: «Хоинлар». Жангари фильм.
19.50 «Ошиқона». Муסיкий дастур.
20.00 «Агентлик». Сериал.
21.00 «30-канал» да детектив соати.
21.45 «30-канал» киноқшоми: «Сохибжамол - 2» («Қочқоқ келин»). Комедия.
23.30 «Просто 15», хит-парад.

YAKSHANBA **17**

«Ўзбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.15, 11.55 ТВ-метео.
9.20 «Фаройибот».
9.40 «Ҳозир турналар». Мультфильм.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Кувноқ старлар». Телемусобақа.
12.00 «Пазандалик сирлари».
12.10 «Шоирлар - болаларга».
12.30 Телевизион миниатюралар театри.
13.05, 16.25 ТВ-анонс.
13.10 «Муъжизалар майдончаси».
14.00 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.

14.20 ТВ-1 кинотеатри: «Бирни кўриб шукур қил». Бадий фильм.
16.05 «Аския».
16.30 «Талабалик йилларим».
16.50 ТВ клип.
17.00 «Оқ олтин». Телелотерея.
17.35 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Насаф»-«Нефтчи».
18.20 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.50 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
19.05 «Туртинчи хокимият».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)
20.05 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Қизлар давраси».
22.30 Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги. «Дўстлик» - «Сурхон».

Якшанба кинозали:
23.15 «Кино оламида».
23.35 «Сукунат».
Бадий фильм.
1.10-1.15 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?»
9.20 «Мульттомоша».
9.35 Футбол плюс....
9.55 Ёшлар овози.
10.15 «Давр»-интервью.
10.30 Наврўз оҳанглари.
10.45 «Заковат». Интеллектуал ўйини.
11.25 Чемпион сирлари.
11.45 «Ёшлар» телеканалда харбий-ватанпарварлик дастури: 1. Марду майдон. 2. Аскар мактублари.
12.25 Очил дастурхон.
12.40 «Улуғимсан, Ватаним». Севара Назархон куйлайди.
13.40 Спорт ҳафтано-маси.

13.55 «Бог». Телевизион бадий фильм. 2-кисм.
14.40 Интерфутбол.
16.20 Қишлоқдаги тенгдошим.
16.40 «Рамайна». Телесериал.
17.15 Кўрсатувлар дастури.
17.20 «Янги авлод» студияси: «Ким эпчил-у, ким чақрон?»
17.45 Мультфильм.
17.55 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
18.45 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр-news.
19.20 Якшанбада кўришгунча.
19.35 Очун.
20.00 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Илҳом Иброҳимов куйлайди.
20.20, 21.10, 22.30 Эълонлар
20.25 «Бог». Телевизион бадий фильм. 3-кисм.
21.15 «Зинама-зина».
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта ичида.
22.35 Тунги тароналар.

22.45 «Оғоҳлантириш». Бадий фильм.
00.10-00.15 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканал
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Эртақларнинг сеҳрли олами».
19.00 «Спорт-тайм».
19.20 «Телефакт».
19.30 «Табриклиймиз-қутлаймиз»
20.00, 21.00, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.
20.15 «Жаҳон географияси».
21.30 «Радиус 21».
22.05 Кинонигоҳ.
«Бахтли воқеа».
23.40-23.45 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Кайфият». Дам олиш дастури.

10.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
10.30 «Хамма уйдалигида».
11.05 Болалар соати:

«Аждарҳо юраги». Бадий фильм.
12.30 FCN «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз тилида)
12.40 «7дан 70гача».
13.15 «Менинг шахрим».
13.35 «Парле ву франсэ?»
14.00-15.00 «Дўстлик» видеоанали: «Маврид», «Дидар».
18.30 Кўрсатувлар тартиби.
18.35 «Мультсеанс».
18.50 СФИ тақдим этади: «Рухлар ҳукмдори».
19.15 «До-ми-соль шоу». Болалар учун дастур.

20.15 «КВН-2002». Маусумнинг биринчи ўйини.

22.30 «7 кун». Ҳафта яқунлари.
22.55 «Кинопрофи».
23.15 Кинематограф.
«Бермуд учбурчаги». Бадий фильм.
00.35 «Тахлилнома».
1.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ
9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 11.30, 17.45, 20.30 - «Телехамкор».
9.30 «Инспектор Гаджет». Мультсериал.
10.00 Фильм - болаларга. «Лайлак қўли». Эртақ.
12.00 Оилавий кино: «Нозик нарса». Вестерн.
13.40 «Баффи». Телесериал.
14.30 Кундузги кинозал. «Прерия». Вестерн.
16.10 «30-канал» да қизиқарли учрашувлар. «С. Рогожин».
17.00 «Ўз ўйини». Теле-шоу.
18.10 «30-канал» киноқшоми. «Қутқарув отряди».
19.50 «Ошиқона». Муסיкий дастур.
20.00 «Агентлик». Сериал.
21.00 «30-канал» да детектив соати.
21.45 «30-канал» да якшанба киноқшоми. «Чўқинтирган ота - 2».

Sport

Sport

БАХТЛИ МУХЛИСЛАР УЧУН



Футбол бўйича 2002 йил жаҳон чемпионатининг финал қисмини томоша қилиш учун чипта олган мухлисларнинг энг омадллари умумий қиймати 3 минг иенга тенг бўлган электрон карточкаларни ҳам кўлга киритишлари мумкин. Чунки, чемпионатнинг финал қисмини томоша қилиш учун таш-

риф буюрган мухлисларнинг 5 мингтасига уларнинг бепул тарқатилиши кўзда тутилган. Бу карточкаларни Япония худудидан ташқарида, яна бир мезбон мамлакат Жанубий Кореяда ҳам ишлатса бўлади. Аммо, улардан фақат аэропортларда, йирик меҳмонхона, махсус совға дўконлари ва Саппоро шаҳридаги айрим автобус йўналишлари-ю, метрода фойдаланиш мумкин.

РОНАЛДО САՓГА ҚАЙТЯПТИ

Италиядаги «Интер» жамоасининг истеъдодли ҳужумчиси Роналдо ўтган йилнинг декабрь ойида жароҳат олган ва 3 февралдан буён Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида довланаётган эди. Муолажа чоғида у Бразилия терма жамоаси бош шифокори Жозе Рунконинг назоратида бўлган. Мутахассисларнинг таъкид-

лашича, моҳир тўпурар 20 мартдан бошлаб, ўз жамоаси сафида машғулотларга киришиши мумкин. Агар, барчаси кўнгилдагидек бўлса, у 27 март куни Югославия термаси билан ўтказиладиган ўртоқлик учрашувига таклиф этилиши кутилмоқда.



Bolalik bog'i

OYIJONIM GULLARI

*Hovlimizda gullarning
Hamma turi ochilgan.
Muattar gul hidlari
Har tarafga sochilgan.
Bolarilar vizillab,
Guldan gulga qo'nishar,
G'unchalarning bolini
Rohat qilib so'rishar.
Ona yurtga bo'ldi zeb
Oyijonim gullari.
Hovlimizga nur berdi,
Oyijonim qo'llari.*



Asom ZIYOMAT.

Бекажон

ИЛИҚ СУВГА ЧАЙИЛГАН МЕВА

- Олма, беҳи, лимон ва апельсин каби меваларни дастурхонга қўйишдан олдин илиқ сув билан чайиб юборсангиз хушбўй ҳиди гуркираб чиқади.
- Қайнатаётган सबзавотингиз қанча йирик бўлса, унинг таркибидаги фойдали моддалари шунча кам йўқолади.
- Хамир қораётганингизда, унингиз тоза бўлса ҳам, элаб юборинг. Эланганида, унинг ораларига ҳаво кириб, хамирингиз яхши ошишига ёрдам беради.
- Пачоқроқ тухум оқиб кетмаслиги учун, уни тузли сувда пишириш мумкин.
- Иситиладиган паловнинг гуручи эзилиб кетмаслиги учун қозонингизга озгина қора чой қуйиб юборинг.
- Суюқ овқатни шарақлатиб қайнатилса, ранги хиралашиб кетади. Милтиратиб қайнатилганда эса, суюқ овқат тиниқ бўлади.
- Гиламнинг хиралигини рангини озгин лимон кислотаси қўшилган шўр сув билан тозаласангиз, янада очилиб кетади.

Матлуба МАХМУДХҲАЕВА тайёрлади.

Кечаси ширакайф уйга кириб келганимда, уйқусираган кўзларини ишқалаб, «намунча» дея хушламай эшик очган хотинимни кўргач, вақт алламаҳал бўлиб қолганини пайқагандек бўлдим. У совуқ қарагани учун «Овқатни иситайми?» дегани ҳам қулгимга дағал эшитилди. «Емайман!» дедим кескин. Ахир қорин оч бўлса-да, бизда ҳам гурур бор.

Хотиним хўмрайганча ётоққа кириб кетди. Мен эса, секин залга ўтиб диванга ёнбошладим. Ҳадеганда уйку келавермади. Ногаҳон стол устида турган хотинимнинг сумкасига кўзим тушди. Чап елкадаги шайтон ўлгур умримда қилмаган ишни қил — сумкани очиб обдон бир титкила, аёл кишининг сумкаси ҳам сир-синаотга тўлиқ, хазина дейди. Унг елкадаги раҳмон эса, «уят эмасми, кап-катта одам» деб бу йўлдан қайтармоқчи бўлади. Кайф — таранг, ўйлардан бошим гаранг, фикрим чалғиб, қай бирига ён босишни билмайман. Охири шайтон васвасаси голиб келди. Шартта сумкани кўлга олиб ялтироқ тугмачасини тортдим — «чиқ» этиб очилди. Сумка кичкинагина бўлса-да, дунёнинг бор хазинаси унда эди. Узилган тугмачаларми-ей, парча қоғозларга ёзилган телефон рақамларими-ей... Хуллас, санайверсам вақт етмайди. Бирдан улар орасидан яп-янги, бежиримгина ҳужжатни кўриб қолдим. Қизиқ: буниси нима экан? Ия, ёзувлари инглизча-ку! Орасида кўлда ёзилган ўзбекчаси ҳам бор. Шошиб ўқидим — хотинимнинг исм-фамилияси дона-дона қилиб ёзилган. Ёнида эса қандайдир чет эл машинаси маркасининг номи, сотилган куни ва ҳатто

ҳарфли-рақамли номерига-ча қайд этилган. Бунга ҳам бир ой бўлай деб қопти. Охирида қандайдир фирманинг муҳри ҳам бор. Во дариг, бу қандай гап ахир? Бир уйда яшаб туриб, эридан бемаслаҳат мошин олган аёлни энди кўришим. Эр деганнинг кадр-қиймати шунчалик бўлдимми? Бир оғиз индамай, сен ҳам одаммисан демай... Бизда ҳам гурур бор!

Тўғри, сиз ҳам оғайниларингизга ўхшаб, қачон машина оласиз, ҳеч бўлмаса, эрталаблари ишга шошиб турганимда, ташлаб ўтардингиз, деганлари эсимда. Лекин, бу ёғига индамай-нетмай... нима қилиш керак бунақа ўзбошимча хотинни? Бесўроқ машина олсаю тагин, ўғри мушукдек чурқ этмай, мазза қилиб миниб юрса-я! «Права»ни ҳам тўғрилаган ҳойнаҳой. Қаерга қўйди экан? Бир-икки умумий гараж томондан келаётганини кўргандек бўлувдим-а. Ҳозироқ уйғотиб, энасини учқўрғондан кўрсатсаммикан? Э, ўша, эрини сариқ чақага олмай, мошин минадиган ойимча сатангни... Эси бор одам, ўз қадрини билган одам бундай хотиннинг кавушини бир кундаёқ тўғрилаб қўяди. Зўр келса, «хай-ё, хуйт» деб чопонини мардларча елкага ташлаб, тоғу тошларга бош олиб чиқиб кетади. Ахир эр деганнинг обрўи шуми? Мени менсимаса, анави бир-биридан ширин учбирдай болала-

рининг ҳурмати учун бир оғиз сўрамайдими?

Нафратдан сочларим тика бўлиб, вужудим газаб ўтида ёнди. Минг куйиб, минг суйиб олган хотиним ялмоғиз кампирданда хунук кўриниб кетди. Даст кўтарилиб, балконга чиқдим-да, бирор кунимга ярар деб эски-тускиларнинг орасига яшириб қўйган шишада қолган юз грамм ароқни газаксиз ичиб юбордим. Шундан сўнг сал ўзимга келдим.

эркакман! Фурурим бор!

Залга чиқиб диванга оғир чўқдим. Ортимдан юз-кўзларида минг ҳадик билан хотиним кириб келди. — Мен сенга кимман! — яна ўшқирдим унга қараб. — Айт! — Болаларимнинг отаси. — Яна-чи?! — Эримсиз. — Буни унутмабсан, ўзбошимча. — Вой, нима қипман?! — Тагин сўрайди-я! Одам деган бир иш қилса, аввало, эри билан маслаҳат қилиши керакми? Керак! Сен эса, мошин олганингга бир ой бўлибди-ю, уни гажаванг қилиб миниб, яширинча гаражга қўйиб юрибсану менга — эрингга бир оғиз айтмабсан, номард! Одам деган ҳам шунақа бўладими? — дея

БИЗДА ҲАМ ҒУРУР БОР

(Ҳажвия)



Вужудимдаги нафрат ўрнини хўрлик эгаллади. Не-не умидда бир ёстиққа бош қўйган хотиним... Бу шўринг қурғур эссиз хотинга эр бўлган, эссиз — мен! Йўқ, йўқ, бу ҳурматсизликка меъ эмас, қўшнимнинг мушуги ҳам чидай олмайди, ҳозироқ орани очиб қилиш керак!.. Шартта турдим паркет полни гичирлатиб, битта-битта босганча, ётоққа кириб бордим. — Тур! Тур ўрнингдан, — хотинимни турткилаб, умрида биринчи марта сенлаганча. — Гап бор! — Қанақа гап, бемаҳалда, — хотиним ёқимсиз тўнғиллади. — Ярим тунда масталаст келганингиз етмай... Эртага гаплашармиз. — Тур, деяпман, сенга! — хунобим ошиб баттар бақирдим. — Ҳозир айтаман! Иссиғида! Айни пайти! Эртага кеч бўлади! Мен ҳам

шаҳд билан ўрнимдан туриб кетдим. Хотиним шундагина бир нарсани тушунгандек дам стол устидаги очик-сочик ётган сумкасига, дам унинг ёнидаги машина ҳужжатига қараб кулиб юборди. — Вой ўлмасам, хаёл курсин, айтиш эсимдан чиқибди. У-ми? Ахир у немисларники-ку: «Пфафф Зингер» — тикув машинаси... Дивандан қандай шашт билан турган бўлсам шундай ўтириб қолдим. На кулишни биламан, на йиғлашни. Кечирим сўрай десам.... Ахир, бизда ҳам гурур бор... Сўнги гапни дона-дона қилиб хотиним айтди: — Ўлганингиз яхши бу кунингиздан... Хурмачага сиққанча ичинг-да! Бу кишининг гурури бормиш яна... **Адҳам ДАМИН.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълолар:
133-40-48, 136-57-27.

Манзилими:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида 8 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.